

Бердиев Хусан Холназарович

СамИСИ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

e-mail: rustam_berdiyev1996@mail.ru

Таянч сўзлар: бадий санъат, бадий услуб, лингвистик поэтика, белги ва маъно, “тарсиъ”, “Девону луғотит турк”.

Ключевые слова: художественный мастерство, художественный стиль, лингвистический поэтика, знак и значение, “тарсиъ”, «Девону луғотит турк» («Словарь тюркских наречий»).

Key words: “tarsi”, khudojestvennyy style, lingvisticheskiy poetika, znak i znachenie, “tarsi”, “Devonu lugotit turk” (“Dictionary of Turkic narechiy”).

Аннотация. Ушбу илмий мақолада бадий санъатлардан бири тарсиънинг туркий адабиётда қўлланиши лингвистик поэтика масалалари аспектида ёритиб берилган. “Девону луғотит турк” асарининг лингвопоэтика тарихини ўрганишидаги муҳим ўрни далиллар асосида кўрсатиб берилишига ҳаракат қилинган. Асар материалларининг тилшунослик ва адабиётшунослик учун аҳамиятли томонлари қайд этилган.

Аннотация. В статье изучен один из видов поэтики “тарсиъ”, который был свойствен поэзии узбекской древнейшей литературы. Освещена история употребления тарсиъ в поэзии на основе богатых материалов из книги «Девону луғотит турк» («Словарь тюркских наречий») Махмуда Кошғари.

Annotation. One of the poetic types “tarsi” has been learnt in this article, which is characteristic of classoc literature.

The article interpretes the history and usage of “tarsi” in poetics on the basis of rich materials on the book “Devonu lugotit turk” bu Mahmud Koshgari.

ТАРСИЪ БАДИЙ САНЪАТИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ

XI асрда яшаган машҳур комусий олим, туркшунослик илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккир Махмуд ибн ул-Ҳусайн Муҳаммадил Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари мукаммал маълумотларга бойлиги жиҳатидан илм-фаннинг кўпгина соҳалари учун муҳим манба ҳисобланади.

“Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар девони”) турли халқлар, қабила-уруғларнинг урф-одатлари, ҳаёт тарзи, улар яшаган ҳудудлар, шунингдек уларнинг тили, тилдаги ўша даврга хос фонетик, лексик, морфологик ва диалектал хусусиятларни акс эттирувчи материалларни ўзида мужассам этган. Шу билан бир қаторда, асарда XI аср муҳитидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғрисидаги воқеаларга оид бадий матнлар - шеърлар ҳам ўрин олган бўлиб,

улар фалсафий, ижтимоий-сиёсий, интим ва воқебанд лириканинг бадиий бетакрор дурдоналари саналади. Чунончи, тарсиъ санъати акс этган намуналар фикримизнинг далилидир.

Маълумки, тил муайян мақсадларга хизмат қилувчи ифода воситалари системаси ҳисобланади. Нутқ шакллари тил ҳодисаларининг хилма-хил имкониятларини юзага чиқаради.

Номинация назариясида функционал концепция ҳодисаларни ўзаро боғлаш, мантикий алоқаларни аниқлаш, услублар, шу жумладан, ўзбек тили бадиий услуби ва поэтик лингвистика масалаларини тушунтириш имконини беради. Номинациянинг турли категорияларида маънолар кўлами ва уларнинг аниқлигини ўрганиш поэтик матнлар бадиий имкониятларини очиб бериш, поэтик тил лингвистик хусусиятларининг семантикада ўрганиладиган ҳодисаларини тадқиқ этиш лозим.

Поэтик нутқнинг товуш тизими, грамматик қурилиши ҳамда лексик таркибининг умумийлик ва хусусийлик диалектикаси асосидаги тадқиқи филологик таҳлилнинг энг муҳим масаласи ҳисобланади.

Нутқий фаолиятнинг ижтимоийлик хусусиятини касб этиши алоқаралашув функциясини ўтайди, баъзан поэтик функция бажаради.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий каби омиллар билан алоқадор лингвистик қадриятлар у ёки бу даражада матнда ғоя эҳтиёжи билан пайдо бўлади.

Тарсиъ атамасининг луғавий маъноси “зийнатланиш” демакдир. Байтда остинма-устин турган сўзларнинг ҳаммаси ўзаро оҳангдош бўлса, тарсиъ санъати бўлади.

М. Зиёвуддинованинг кўрсатишича, “Мафотих ал-улум” энциклопедик асарининг муаллифи Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг таърифи бўйича “Тарсиъ – бу алоҳида (байт)нинг қофияланган қисмлардан тузилишидир” [1, 38].

“Қудама тарсиъни ўлчовлар билан алоқадор бўлган шеъриятнинг муҳим категориялари қаторига кўшади. Бунда олим шуни таъкидлайдики, такрорланувчи ички қофиялар билан биргаликда прозадаги сажъга ўхшаб алоҳида бутун қофияланадиган сўзларнинг бир хил ўлчовда бўлишига алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, ал-Хоразмий ўз асарининг котиблик санъатига бағишланган бўлимида мазкур категорияни эга олиб, шундай ёзади: “Тарсиъ – бу қофияланган, қурилишига кўра бир хил ўлчамдаги нутқдир, у (нутқ) бўлақларининг охиридаги қисмлар эмас” [1, 38].

Мазкур поэтик санъатга доир фикрлар нафақат бадиият илми ҳақидаги рисоалар, шунингдек тазкираларда ҳам акс этганлиги кузатилади. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис”да Алишер Навоий ўзининг аруз илми бўйича устози ҳақида ҳам тухталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Дарвеш Мансур – сабзаворлиғдур. Дарвеш ва парҳезкор ва муртоз киши эрди. Кўпроқ авқот сойим эрди, аруз ва саноеъда Мавлоно Яхъё Себак шогирди эрди. Икки аруз тасниф қилди ва маснуъ қасида айтибдурким, матлаи будурким:

Бас давидам дар ҳавои васли ёр,
Кас надидам ошнои асли кор

Тарсиё санъати покиза воқеъ бўлубдур” [2, 21].

“Девону луғотит турк”даги адабий парчалардан ҳозирги шеърят намуналарига қадар материаллар кўздан кечирилганда, фаол қўлланувчи бадий санъатлар анчагина бўлиб, шулардан бири тарсиёдир. Назарий манбаларда кўрсатилганидек, байт мисраларидаги барча сўзларнинг қофия бўлиб келишига тарсиё дейлади [3, 142]. Йирик олим А.Ҳусайнийнинг эътирофи этишича, “Тарсиё икки бўлак каломнинг, хоҳ назмда бўлсин, хоҳ насрда ҳар бўлагидаги ҳар бир иккинчи бўлагидаги янги муқобил лафз била вазнда тенг бўлғай ва охириги ҳарфга мувофиқ келмаги шартдур” [4, 389]. Айни пайтда, тарсиёга берилган таърифлар анчагина бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. В.Раҳмоновнинг қуйидаги фикрлари анча қамровли эканлиги билан ажралиб туради. “Мукамал тарсиёда биринчи мисрадаги сўзлар иккинчи мисрадаги сўзларга қофиядош, радифдош ёки хожибдош бўлади. Бошқача айтганда, одатдаги шеърда ҳар бир мисра охиридаги бир сўз қофиядош бўлса, бунда ҳар иккала мисрадаги барча сўзлар қофиядош бўлади” [5, 75].

Тарсиё шеърнинг ташқи гўзаллигини таъминловчи восита бўлиб қолмасдан, унинг оҳанги ва мазмун мундарижасида ҳам алоҳида ажралиб туриш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам йирик адабиётшунос Ё.Исҳоқов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: “Тарсиё оддий сўз ўйини эмас, балки фикр билан ифоданинг муайян пайтда мувозанат ҳосил қилиши натижасида юзага келадиган поэтик усул бўлиб, шеърнинг, умуман, тасвирнинг мусиқийлиги ва таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради” [6, 75].


Мазкур бадий санъатнинг ном олиши эса Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг эътирофича, жавоҳирлар шодасига нисбат қилиш билан боғлиқ [4, 37]. Тарсиё ҳақидаги назарий фикрлар мумтоз шеършуносликка оид кўпгина манбаларда учрайди. Ҳатто, баъзиларида шундай фикрлар айтилганки, унда тарсиё ҳосил қилган шеърлар мутаносиблигига кўра, қофия ҳосил қилувчи унсур равий ҳам муҳим белги сифатида қатнашиши шарт.

Пішрїлур јакрї кїјак
Тушғурур јуғрї чанак

(Ич ёғи, сардаклар пиширилиб, тоғора, косалар тўлғазилади) (III т., 39).

Кўринадики, бу ўринда тарсиё қўлланилиши қофия+қофия+қофия шаклига эга:


1-чизма:



Маълум бўладики, мисралар таркибидаги ҳар уч сўз кейинги уч сўз билан оҳангдош, вазндош. Сўз тартибининг ўзгариши натижасида от туркумига мансуб сўзлар мисроалар тугалловчи сўзлари сифатида келган. Бундан ҳам кўринадики, ўзининг асосий белги-хусусиятлари билан грамматик транспозиция семантик транспозицияга ўхшайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам муайян борлиққа кўра намоён бўлади.

“Девон”да таркибида тарсиъ унсурлари қисман иштирок этган (шеърнинг бир қисмини ташкил қилган) намуналар ҳам мавжуд. Чунончи, қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

Жалвўн анїъ кўзи
 Јэќкїн анїъ ўзи
 Толун ажїн јъзи
 Јардї мэнїъ јурак




(Унинг кўзи киши (кўнглини) овлайдиган сеҳргардир. Ўзи мусофирдир, юзи тўлин ойдир. Қараш билан у мени отиб, юрагимни ёрди” (Ш т., 40).

Бу ўринда эса тарсиъ қофия +хожиб +қофия кўринишидадир.

Агар айнан бир товуш белгиси, турли қаторларда турли маъноларни ифодалаши мумкин бўлса, бунинг тескариси ҳам кузатилади. Яъни, айнан бир маъно турли сўзлар ичида турли белгилар билан келиши мумкин. Масалан, јалвўн – сеҳргар ва иккинчи мисрадаги јэќкїн сўзлари грамматик белгисига кўра от, луғавий маъносига кўра эса, ўз ва кўчма маъноларга эга бўлиб, шу иккинчи хусусият – метафорик кўчим туфайли семантик силжишни ҳосил қилган:


Айни пайтда, яна шундай шеърлар ҳам борки, уларда тарсиъ қофия +қофия+хожиб+қофия тарзида намоён бўлган:

Авлалур ўзім анїъ тузіња
 Эмлалур кўзім анїъ тузіња



(Унинг ширинлиги билан борлиғим овланади ва оёғининг тўзони билан кўзим даволанади) (I т., 290).

Лексик бирликлар таркибида омоним ва синоним ўз хусусиятига эга. Бинобарин, омонимик қатор ўз табиатига кўра, кўпроқ психологик боғланишларга таянади. Синонимик қатор эса кўпроқ логик характерга эга, чунки унинг бирликлари ҳодисаларнинг айнан бир синфи турлари сифатида тасаввур этилади. Сўзни семантик маъноли ҳодиса сифатида реал борликқа нисбатан қўллаганимизда, белгининг семантик қийматини кўчма маънода аниқлаймиз. Сўз семиологик маъноларининг бошқа маркази, жумладан, формал маънолар гуруҳи ҳам транспозицияга учраган, кўчма маънода қўлланган бўлиши мумкин. Шунга кўра, келтирилган байтда “авлалур”, “эмлалур” морфологик, “өзiм-көзiм”, “тузiъна - тузiъна” кабилар эса луғавий қофиялардир. Шунингдек, тарсиъ билан бир қаторда, қофия билан алоқадор тажнис санъати ҳам мавжуд бўлиб, у “тузiъна” омоним сўзининг икки маънода қўлланиши орқали ифодаланган.



Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлар асосида қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин:

- илм-фаннинг турли соҳалари учун қимматли манба ҳисобланувчи “Девону луғотит турк”да учрайдиган адабий парчаларни ғоявий-бадий жихатдан тадқиқ этиш туркий тилнинг бадий имкониятлари ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш имконини яратади;

- адабий парчаларда турли шеърий санъатлар қўлланилган бўлиб, улар туркий поэзияда шеърий санъаткорликнинг анча олдинги даврларга бориб тақалишини кўрсатади. Зеро, муайян маънода образли тафаккур ва унинг ифода усуллари инсониятнинг ўзи қадар тарихга эга. Шубҳасиз, бадий сўз ҳам шундай жараён маҳсули бўлиб, унинг санъат даражасига кўтарилиши инсониятнинг ижтимоий тараққиёт йўли билан узвий боғлиқдир;

- адабий парчаларда қўлланган шеърий санъатлардан бири тарсиъ ҳисобланади. Дарҳақиқат, А.Хусайний таъкидланганидек, бу санъат намунасини нафақат шеърий, балки насрий асарларда ҳам учраши мумкин. А.Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари бунинг ёрқин мисолидир;

- қофия санъати билан алоқадор равишда тарсиъ қўлланган шеърларда тажнис, ҳожиб ва радиф кабилардан ҳам фойдаланилган. Айни пайтда, булар билан параллел равишда мазкур шеърларда маънавий санъатлар (чунончи, муболаға ва б.) ҳам қўлланган;

- умуман, хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Девону луғотит турк”даги шеърларнинг бадий хусусиятларини ўрганиш учун етарлича маълумотлар мавжуд. Шу ўринда айтиш жоизки, бадий асар таъсир кучини таъминловчи восита ўлароқ жилоланувчи шеърий санъатлар ҳозирга қадар, асосан, XI асрдан кейинги давр адабиётига алоҳида аҳамият берилгани, шубҳасиз. Агар шеъриятда бадий санъаткорлик масаласи бевосита “Девону луғотит турк”даги адабий парчалар билан боғлиқ равишда ўрганиладиган бўлса,

бадий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши ва тараққиёти ҳақида янада муҳим тадқиқотларга йўл очилиши мумкин. Зеро, ҳар қандай бадий асар ўша даврга хос бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, бадий эстетик тасаввур-тушунчалар мажмуи сифатида намоён бўлади.

Мазкур шеърий парчалар алоҳида монографик тарзда тадқиқ этилган эмас. Ҳолбуки, туркий ҳоқоний адабий тил билан бошқа туркий тилларнинг қиёсида фойдаланилган поэтик материалларни ўрганиш ҳозирги даврда ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик, ҳам шеършунослик ва умуман, филология учун алоҳида аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика (Аруз, қофия, бадиият илми истилоҳлари тарихига оид). – Т., 2001.
2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. www.ziyouz.com кутубхонаси.
3. Маълумот учун қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998.
4. Ҳусайний А. Бадойи ус-санойиъ. –Т., 1981.
5. Раҳмонов В. Шеърий санъатлар. – Т., 1962.
6. Исҳоқов Ё. Тарсиъ //Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.,1971. – №4.
7. Бердиев Ҳ., Ражабов Д. “Девону луғотит турк”даги шеърий парчаларда қофия. Монография. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.